

МАШИНАСОЗЛИК СОҲАСИДА ТАРМОҚ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАШТИРИШ АСОСИДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Тешабоев А.Э - Андижон машинасозлик институти ректори, т.ф.н.,
доц., Парпиев О.А., Сабилов У.К.-и.ф.н., Мирзалимов У.

Машинасозлик соҳасида тармоқ ва халқаро стандартлаштириш асосида сифат менежменти тизимини шакллантириш. Машинасозлик корхоналари сифат менежмент тизимида тармоқ ва халқаро стандартлаштиришнинг ўрнига тегишли масалани кўриб чиқайлик. Машинасозлик соҳаси тармоқ ва халқаро сифат стандартлари асосида самарали интеграллашган менежмент тизими тушунчасини таҳлил қилиб чиқамиз. Қуйида машинасозлик соҳасида фаолият кўрсатадиган завод сифат менежмент тизимида тармоқ ва халқаро стандартлар қўлланилиши таҳлили амалга оширилади. Машинасозлик корхоналари тимсолида тармоқ ва халқаро сифат стандартларини татбиқ этиш афзалликлари кўриб чиқилади. Машинасозлик соҳаси корхоналарида синаб кўришда тармоқ ва халқаро стандартларининг асосланган ижобий тавсифномалари келтирилади.

Машинасозлик соҳаси вакили-завод мисолида тармоқ ва халқаро сифат стандартларини татбиқ этишнинг иқтисодий самарадорлиги кўриб чиқилади. Тармоқ ва халқаро стандартлаштириш асосида сифат менежменти тизимини баҳолаш таҳлили амалга оширилади. Тармоқ ва халқаро стандартлаштириш асосида интеграллашган менежмент тизимининг асосий элементлари кўриб чиқилади. Ҳозирги вақтда тармоқ ва халқаро стандартлар асосида сифат менежмент тизимини такомиллаштириш мавзуси, айниқса, долзарб ҳисобланади, чунки сифатнинг ривожланиши мамлакатимиз машинасозлик саноатининг ривожланишини асосий омилларидан бири саналади.

Мамлакатимиз машинасозлик мажмуаси асосий маҳсулотлари тузилмасига ва йирик компаниялар дарамадларининг ўсиш суръатларига эътибор қаратайлик. Машинасозлик мажмуаси ишлаб чиқариши умумий ҳажмидан сезиларли улушни, икки йўналишдаги иўлаб чиқаришни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу автомобилсозлик ва темир йўл машинасозлиги ҳисобланади.

Саноат ривожланишининг жорий босқичида, айнан, темир йўл машинасозлиги соҳаси кам ўрганилган. Унча кўп бўлмаган ишлар ушбу соҳанинг сифат менежменти тизимига бағишланган. Сўнгги вақтларда етказиб берилаётган буюмларга бўлган талаблар ортиб бормоқда. Темир-йўл мажмуаси мамлакатимиз учун муҳим стратегик аҳамиятга эга. Қамчиқ довони орқали темир-йўл қурилиши ва Фарғона водийсини республикамиз пойтахти ва бошқа вилоятлар билан темир йўли орқали боғлаш ишлари режаси бунга яққол мисол бўла олади. Республикамизда бу соҳадаги олиб борилаётган улкан қурилишлар натижасида, у ягона иқтисодий тизимнинг боғловчи звеносига айланади, саноат корхоналарининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлайди, ўта муҳим юкларни мамлакатимизнинг узоқ бурчакларига ўз вақтида элтишни уддасидан чиқади ва минглаб фуқаролар учун энг қулай транспорт турига айланади.

Темир йўллар орқали ташиш иқтисодиёти эҳтиёжларини қондириш учун, сифат даражаси нуқтаи назаридан, янги темир-йўл техникасини жорий этиш талаб этилади. Уни фақат машинасозлик соҳасини бошқаришнинг танилган усуллари ва инновацион ёндошувлари асосида яратиш мумкин. Темир-йўл машинасозлигида сифатни бошқариш тизимининг асосий мақсадларига: йўл-ҳаракати хавфсизлиги, бизнес жараёнлар ва технологияларни яхшилаш, компаниялар рақобатбардошлигини ортишининг асоси ҳисобланган, янги бозорларни эгаллаш учун хизмат кўрсатиш сифат савиясини сезиларли даражада кўтариш, ходимлар манфаатдорлигини орттириш киради.

Корхоналарда сифатни самарали бошқариш учун Айрис (IRIS) темир-йўл халқаро сифат стандартини татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ. У темир йўл саноати Европа ассоциациясининг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида ишлаб чиқилган.

Мазкур халқаро стандарт темир-йўл машинасозлиги соҳаси корхоналаридаги ишлаб чиқариш жараёнлари йўналишларининг тўла рўйхатини қамраб олади (буларга йиғиш, ўрнатиш, энерготизим, алоқа узатиш тизими ва бошқалар киради). ISO 9000 серияси стандартлари асосида ишлаб чиқилган Айрис (IRIS) темир-йўл халқаро сифат стандарти билан мамлакатимизда амалдаги сифат стандарти талабларини таққослаш ва интеграллашган менежмент тизимини яратиш мақсадга мувофиқ. Темир-йўл машинасозлигида интеграллашган менежмент тизимини қуриш модели стандартларнинг талабларини бирлаштиради ва ўзаро муносабатлар самарадорлигини кучайтиради.

Тармоқ стандартининг ўзига хос талабларига тендерларни бошқариш, лойиҳаларни бошқариш, дастлабки маҳсулотни текшириш, етказиб беришлар занжирини бошқариш киради. Ресурслар менежментига билимларни бошқариш ва кўп томонлама лойиҳаларни бошқариш бўйича талаблар киритилган. Раҳбарлик масъулиятига - мижозлар билан ўзаро муносабатларни бошқариш. Ўлчаш, таҳлил қилиш ва такомиллаштириш блогига - тегишли жараёнларни бошқариш.

Компания етказиб берувчиларининг вазифаси мижозлар эҳтиёжларини қондиришнинг ўсиб бориши асосида барқарор рақобатбардош афзалликларни яратиш ва ривожлантириш имконини берувчи восита ҳамда механизмларни топиш ҳисобланади. Тармоқ ва халқаро стандартлар асосидаги сифат менежменти тизими, нафақат хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, балким ишлаб чиқариш жараёнларининг иқтисодий самарадорлигини орттириш имконини берувчи воситалардан бирига айланиши мумкин. Тармоқ ва халқаро стандартлар асосидаги сифат менежмент тизимини ташкилотларнинг

барча ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларига татбиқ этишни, босқичма-босқич, бир неча босқичларда амалга ошириш керак. Буларни ҳар бирининг натижаси сифатнинг янги босқичига ўтиш бўлади.

Самарали сифат менежмент тизимини яратишдан мақсад ички жараёнларни узлуксиз такомиллаштириш ва истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш даражасини орттириш асосида ташкилот фаолиятининг молиявий-иқтисодий самарадорлигини кўтариш ҳисобланади. Умуман манфаатдор томонлар манфаатларини қондиришга қаратилган ва ISO 9004:2009 халқаро стандарти талабларига мувофиқ қурилган, етказиб берувчи ташкилотларнинг самарали менежмент тизими бошқарув, молия, иқтисодиёт ва бозорда ишлашда жиддий ички ҳамда ташқи афзалликлар беради. Бу афзалликлар, турли манфаатдор томонлар эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган йўқотишлар эҳтимолини онгли баҳолашга ва уларни камайтириш мақсадида, бу йўқотишлар эҳтимолларини мунтазам бошқариб боришга асосланган.

Бутловчи қисмларни етказиб берувчилар томонидан, тармоқ ва халқаро стандартлар асосида, сифат менежмент тизимини шакллантириш бўйича масалалар ечимидан кутилаётган натижалар қуйидагилар ҳисобланади. Компания кўрсатадиган хизматлар истеъмолчилари учун:

- транспорт бозорининг кенгайтирилишини, мижозлар эҳтиёжларини қондириш даражасини орттиришни қўллаб – қувватлаш;
- транспорт хизмат кўрсатиш сифатини ва транспортдан фойдаланиш савиясини орттириш;

Давлат ва жамият учун:

- мамлакатнинг транспорт билан таъминланганлик даражасини орттириш, аҳолининг тезкор ҳаракатлана олишини таъминлаш ва ижтимоий ривожланишни тезлаштириш;

- транзит потенциалидан самарали фойдаланиш ва уни орттириш;

- мамлакат иқтисодиётига бўлган транспорт юкларини камайтириш ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш;

- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий яхлитлигини мустаҳкамлаш;

- ташишлар соҳасида халқаро ҳамкорлик бўйича давлатларaro шартномаларнинг бажарилишини таъминлаш;

- йўқотишлар эҳтимолини олиш тизимини яратиш ҳисобига, темир-йўл транспортдан фойдаланишдаги хавфсизлик даражасини орттириш ;

- имиджнинг ортиб бориши;

- мамлакат ва халқаро транспорт бозорида эгаллаган ўрнини мустаҳкамлаш (рақобатбардошлик, инвестициялар оқими, сармоялар киритишни орттириш ва ҳ.к.);

- ички чиқим-харажатларни оптималлаштириш ҳисобига фаолиятнинг фойда келтирувчанлигини орттириш.

Ташкилот ходимлари учун:

- меҳнат самарадорлигининг ортиши ва барча турдаги ишлаб чиқариш йўқотишлари даражасининг пасайиши ҳисобига қўшимча даромад олиш;

- компанияда ишлаш обрўси ва ижтимоий мақомнинг ортиши;

- ўзининг билим ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, технологик жараёнларни оптималлаштиришда қатнашиш, иш мазмунидан қониқиш ҳиссининг ортиши.

Бундан ташқари, сифат менежмент тизимининг яратилиши қуйидагиларни амалга ошириш имконини беради:

- регламент (иш тартиби) ҳужжатлаштиришларини ишлаб чиқиш жараёнларини соддалаштириш имконини берувчи ташкилот фаолиятини формаллаштирилган тавсифи технологиясини татбиқ эта олиш;

- компаниянинг янги ходимларини тезкор ва самарали ўқитишни амалга ошириш;
- компаниянинг тузилмавий бўлинмалари фаолиятини баҳолаш учун казорат кўрсаткичларитизимини шакллантириш;
- стратегик бошқарувнинг самарали механизминини яратиш;
- компаниядаги мақсадли ўзгартиришларни танлаш ва амалга ошириш.

2. Машинасозлик соҳасида тармоқ ва халқаро стандартлаштириш асосида сифат менежменти тизимини ривожлантириш. Харид қилишда тармоқ ва халқаро стандартлар замиридаги сифат соҳасидаги сиёсат ушбу йўналишларда мақсадларни белгилаш учун асосни таъминлаб беради. Изланишлар давомида шу нарсага ишонч ҳосил қилдикки, темир-йўл саноати Айрис (IRIS) халқаро стандарти ва тармоқ стандартига ўтилиши мамлакатимиз корхоналари учун жиддий қадам ҳисобланади. У ишлаб чиқаришни чуқур қайта тузилмалашни талаб этади. Стандартларни темир-йўл машинасозлиги корхоналарига татбиқ этиш жараёнида, текширувлар ўтказиш мобайнида, цехларда жараёнли ёндошув етарли даражада қўлланилмаётганлиги сезилиб қолди. Бу сифат бошқаруви ўз ичига қамраб олган, бир қатор талаблар бажарилиши самарадорлигининг пасайишига асос ҳосил қилади, асоссиз сарф-харажатлар ўсишига олиб келиши, инновацияларга бўлган интилишларнинг пасайишини келтириб чиқаради. Бу умуман олганда машинасозлик орхоналарининг, анъанавий тарзда, жараёнларни эмас, технологияларни татбиқ этишга йўналтирилган нозик нуқтаси ҳисобланади.

Айрис (IRIS) халқаро стандарти ва тармоқ стандартида келтирилган жараёнли ёндошув маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг муҳандислик услубиятини назарда тутди. Фарқ шундаки, уларни муайян бир, “кириш” ва “чиқиш”га эга, ҳаётий давр ўз ичига қамраб олади, шунинг учун уни ўлчаш мумкин. Бу эса назорат

кўрсаткичларига таяниш, йўқотишлар эҳтимолини аниқлаш ва ўз вақтида)оғир оқибатларни кутиб ўтирмай) тузатишлар киритиш чораларини қабул қилишига имкон яратиб беради. Бундан ташқари, темир-йўл саноати халқаро Айрис (IRIS) стандарти ва тармоқ стандарти тежамкор ишлаб чиқариш, маҳсулот яратиш баҳосини режалаштириш ва сифат фалсафасига асосланган, янги корпоратив маданиятни тақдим этадилар.

Темир-йўл саноати Айрис (IRIS) халқаро стандартини яратишни давр талаби тақозо этмоқда. Корхоналарнинг ISO 9001:2008 халқаро стандарти бўйича стандартларга эгаллиги, тизимли интеграторлар ва ишлатишни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан ўзлари учун, ҳақиқатдан ҳам ишонарали етказиб берувчиларни асосли танловини ўтказиш учун етарли эмаслиги маълум бўлиб қолди. ISO 9001:2008 халқаро стандарти бўйича сертификациялаш дифференциаллашни кўзда тутмайди, яъни буюртмачига, потенциал етказиб берувчилар сифат менежмент тизими қандай даражада фаолият кўрсатаётганлиги ҳақида маълумот бермайди. Бу маълумот у ёки бу етказиб берувчига бўлган ишонч даражасини аниқлаб олиш имконини берган бўлар эди.

Айрис (IRIS) халқаро стандарти бўйича сертификациялаш эса аксинча, корхонанинг сифат менежмент тизими даражаси ҳақида, юз баллик шкала бўйича, маълумот беради. Айрис (IRIS) ва ISO 9001:2008 халқаро стандартлари ўртасидаги қуйидаги фарқланишни ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин:

- биринчидан, темир-йўл саноати корхоналари менежмент тизимини тезкор ривожланига кўмаклашувчи, қўшимча тармоқ талаблари;
- иккинчидан, аудит ўтказиш учун қайд этилган 250 та саволнинг мавжудлиги;

- учинчидан, Айрис (IRIS) халқаро стандартида, талаблари корхонада зудлик билан бажарилиши кўзда тутилган “куракни ерга теккизувчи” саволлар мавжуд;
- тўртинчидан, Айрис (IRIS) халқаро стандартида баҳолаш схемаси аниқ белгилаб қўйилган;
- бешинчидан, аудиторлар томонидан баҳолашда қўлланиладиган махсус “Аудит-восита” дастурий маҳсулоти ишлаб чиқилган.

ISO 9001:2008 сифат менежменти халқаро стандарти Айрис (IRIS) стандартининг яратилиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Айрис (IRIS) стандарти таркибига ISO 9001:2008 талабларининг юз фоизи киритилган, Айрис (IRIS) стандарти матнларида келтирилмаган бўлса-да, уларга илова қилинган. Шундай қилиб, Айрис (IRIS) халқаро стандарти бўйича аудит, ҳамма вақт ISO 9001:2008 стандарти бўйича аудитни ўз ичига қамраб олади. Айрис (IRIS) стандарти ихтисослашган тармоқ стандарти ҳисобланади. Уни бу соҳада автомобиль саноати учун спецификация бўлган ISO/TS 16949:2009 билан таққослаш мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтилган қўшимча талаблар, айнан, ўзига хосликни белгилаб беради. Сифат менежментига бўлган талаблардан ташқари, Айрис (IRIS) стандарти сертификациялаш жараёнига, сертификатлар бериш органларига ва аудиторларга бўлган талабларни ўзида мужассам қилади.